

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «10» 6

25752 - сон

Яйпан \_\_\_\_\_ ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи Баходир Бахтиёр Инвст ХК (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Ш Саидгозиев Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Халқ таълими бўлими номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Н.Сиддиқова ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

### 1. Шартнома предмети:

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги қурилиш монтаж ишлари бажариб беради:

26-мактаб биносини ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 443 689 552 сўмни ташкил қилади.

1.3. Бажариладиган қурилиш монтаж ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Қурилиш монтаж ишларини бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 17 кун муддатда яъни 26.06.2022-йилгача жорий таъмирлаш ишлари яқунланиши шарт

### 2. Ҳисоб-китоб шартлари:

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган қурилиш монтаж ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорда туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» қурилиш монтаж ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичида амалга оширади.

2.3. Қурилиш монтаж ишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

### 3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз қучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилди. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган курилиш монтаж ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган курилиш монтаж ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Агар ҳуқуқни химоя қилувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан курилиш ишларини бажарилганлиги тўғрисидаги тақдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш хажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлиқ копланеди.

#### 4. Жарималар қўланилиши:

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган курилиш монтаж ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган курилиш монтаж ишларини умумий кийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### 5. Форс-мажор:

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### 6. Шартнома муддати:

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган курилиш монтаж ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» омонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) буюртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган курилиш монтаж ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар:

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб сўнг амалга оширилади. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

**Баходир Бахтиёр Инвест ХК**

Ўзбекистон туман Ойимчақақир  
кишлоғи

ХР 20208000700251136001  
Универсалбанк Кукон филиали

МФО 00973  
СТИР 302691889  
ОКОНХ 61110

«Буюртмачи»

Халқ таълими бўлими  
(буюртмачи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳри  
Тел./факс \_\_\_\_\_

ш/х\* 401722860302307092100075033  
СТИР 200189130  
ОКОНХ 97600

Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона ғазна  
ҳисоб вароғи 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк  
МФО: 00014, СТИР: 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Н.Сиддиқова  
(имзо)



Ш Саидгозиев





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI**  
**YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.  
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adiya.uz

2022-yil 9-iyun

Yaypan shahri

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.**
- 2.Loyihaning nomi: Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi.**
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi.**
- 4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "BAHODIR BAXTIYOR INVEST" xususiy korxonasi o'rtasida jami qiymati 443.689.552 so'm bo'lgan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosi va isitish tizimini joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (tarablari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan

shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budjet buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 7-iyundagi 96183-sonli bayonnomasiga asosan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosi va isitish tizimini joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi yuzasidan o'tkazilgan tanlovda "BAHODIR BAXTIYOR INVEST" xususiy korxonasi tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asoslangan holda

### XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "BAHODIR BAXTIYOR INVEST" xususiy korxonasi o'rtasida jami qiymati 443.689.552 so'm bo'lgan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 26-sonli maktab binosi va isitish tizimini joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



A.Turdialiyev